

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:  
№ БД – 5311700 – 4.01  
2018 йил “26” оқтабр



2018 йил “4” оқтабр

НЕФТЬ ВА ГАЗ ЮОМЛАРИНИ ИЗЛАШ ВА ҚИДИРИШ МЕТОДЛАРИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 300000 – Ишлаб чиқариш техник соҳа

Таълим соҳаси: 310000 – Мухандислик иши

Таълим йўналиши: 5311700 – Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (нефть ва газ конлари)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 201~~2~~ йил “14” ~~06~~ даги “531” -сонли буйруғининг 10-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 201~~2~~ йил “26” ~~05~~ даги 2 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент давлат техника университети билан Карши мухандислик-иктисодиёт институти ҳамкорлигига ишлаб чиқилди.

#### Тузувчилар:

- Ярбобоев Т.Н. – ҚарМИИ, “Фойдали қазилма конлари геологияси ва разведкаси” кафедраси доценти, т.ф.н.  
Усмонов К.М. – ҚарМИИ, “Фойдали қазилма конлари геологияси ва разведкаси” кафедраси асистенти.

#### Тақризчилар:

- Суннатов З.У. – ҚарМИИ “Фойдали қазилма конлари геологияси ва разведкаси” кафедраси мудири, т.ф.н.  
Бозоров О.Т. – “Ўзбурғунефтгаз” АЖ бошқарув раисининг геология ва ривожлантириш бўйича ўринбосари.

Фан дастури Тошкент давлат техника университетни Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201~~2~~ йил “30” ~~12~~ даги “5” -сонли баённома).

## I. Үкүв фанининг долзарбилиги ва олий қасбий таълимдаги ўрни

Нефть ва газга геологик-кидирув ишлари ер каърини ўрганиш, нефть ва газ уюмларини (конларини) очиш, геологик-иктисодий баҳолаш ва ишлатишга тайёрлаш мақсадида маълум кетма-кетликда бажариладиган геологик, геофизик, геокимёвий, бургилаш ва бошқа ишлар ҳамда илмий тадқикот ишларининг мажмуасини ўзида намоён қиласди. Бу ишларнинг натижалари бўйича аввал чўкинди хавзалардаги ўрганиладиган объектларнинг график моделлари (геологик кесимлар, турли мақсадлардаги хариталар) тузилади, сўнгра шу тузилмалар асосида уларнинг нефтгазлилик истиқболлари, конни очиш баҳоланади ва уларни ишлатиш лойиҳаланади.

Фанни ўрганиш жараёнида талабалар нефть ва газ тўпламлари, турли даражадаги тўпламларни излаш-кидириш жараёнида бажариладиган геологик-кидирув ишларининг турлари ва усуллари, уларнинг вазифалари ва олинадиган натижалари ҳамда геологик-кидирув ишларининг турли давр ва боскичларида бажариладиган ишларнинг мазмуни ва методикаси билан таништирилдилаар, ишлаб чиқиладиган геологик ҳужжатлар мажмуини тузиш методикаларини ўзлаштирадилар.

Нефть ва газ саноатининг хом ашё базасини мустаҳкамлаш нефть ва газ саноати ривожланган давлатларнинг долзарб масалаларидан бири саналади. Чунки, тайёрланган захираларнинг микдори қазиб чиқариш микдорида ўкори бўлгандагина соҳанинг янада юксалишига имкон яратилади. Геологик-кидирув ишларининг замонавий, самарадор усулларини ўзлаштириш ва улардан окилона фойдаланиш асосида янги нефть ва газ тўпламларини, шу жумладан конларни очиш ҳар бир мутахассисдан мукаммал билим ва ўкори малакани талаб қиласди. Шундай экан, мазкур фан бўйича мукаммал таҳсил олган ва кўнимкаларга эга бўлган талабаларнинг келажакдаги иш фаолияти нефть ва газга геологик-кидирув ишларининг тараққиётини белгилаб беради.

“Нефть ва газ уюмларини излаш ва кидириш методлари” фани асосий ихтисослик фани хисобланади ва таълим йўналишининг үкүв режасига мувофик 7 ва 8-семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга оширишда талабадан үкүв режасида режалаштирилган математик, табиий (олий математика, физика, кимё, механика, ер физикаси), умумкасбий (чизма геометрия ва компьютер графикаси, умумий ва тарихий геология, гидравлика, геодезия, амалий геофизика, кристаллография, минералогия ва чўкинди жинслар петрографияси, структуралар геологияси ва геологик хариталаш, нефть ва газ геологияси ва геокимёси, литология ва литофациал таҳлил, нефть ва газ конларини излашнинг геофизик методлари, геотектоника ва геодинамика асослари) ва ихтисослик

(нефтгазли комплекслар: литология ва табиий саклагичлар, нефт-газ кон геологияси ҳамда нефть ва газ конларининг гидрогеологияси ва бошкалар) фанларидан етарли билим ва кўнижмаларга эга бўлишликни талаб килади.

Талабаларнинг “Нефть ва газ уюмларини излаш ва кидириш методлари” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илгор ва замонавий усулларидан фойдаланилади, замонавий ахборот ва телекоммуникацион ҳамда педагогик технологиялар тадбик килинади. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўкув ва услубий кўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ҳамда ишлаб чиқаришдаги намуналар ва макетлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий машғулот дарсларида мос равишдаги илгор ахборот коммуникацион ва замонавий педагогик технологиялар кенг кўлланилади.

## II. Ўкув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда “Фойдали қазилма конлари геологияси ва разведкаси (нефть ва газ конлари)” йўналишига мос билим, кўнижма ва малакаларни шакллантириш бўлиб, бунда талабалар турли даражадаги нефть ва газ тўпламларида бажариладиган геологик-кидирув ишларининг мажмую ва методикаларини ўзлаштирадилар.

Фаннинг вазифалари куйидагилардан иборат:

- нефть ва газ тўпламларини ажратиш, нефтгаз геологик районлаштириш принципларини;
- геологик-кидирув ишларининг турлари ва методларини;
- геологик-кидирув ишларининг давр ва боскичларини;
- турли даражадаги тўпламларни излаш-кидириш жараёнида бажариладиган геологик-кидирув ишларининг турларини;
- геологик-кидирув ишларининг давр ва боскичларида бажариладиган ишларнинг турлари ва методларини;
- геологик-кидирув ишларининг турли боскичларида бажариладиган ишларнинг ва методларнинг вазифалари ва олинадиган натижаларини;
- турли боскич ва погоналарда ишлаб чиқиладиган геологик хужжатлар мажмумини тузиш методикаларини талабаларга ёритиб бериш.

Мазкур фан бўйича талабаларнинг билим, кўнижма ва малакаларига куйидаги талблар кўйилади:

- нефтгаз геологик районлаштириш принциплари ва турли даражадаги нефть ва газ тўпламларини ажратиш;
- геологик-кидирув ишларининг турлари ва методлари

- нефть ва газга геологик-кидирув ишларининг давр ва босқичлари;
- излаш ва кидириш ишларини ташкил этиш методикасининг асосий тамоилиллари;
- нефть ва газ ресурслари ва захираларининг амалдаги таснифи;
- турли даражадаги ва турли ўрганилганлик даражасидаги объектларнинг нефтгазлилик истиқболларини баҳолаш методикаси ва уларни амалиётда қўллаш;
- турли даражадаги тўпламларни излаш-кидириш жараёнида баҳариладиган геологик-кидирув ишларининг турлари;
- геологик-кидирув ишларининг давр ва босқичларида баҳариладиган ишларнинг турлари ва методлари;
- геологик-кидирув ишларининг турли босқичларида баҳариладиган ишларнинг ва методларнинг вазифалари ва олинадиган натижалари;
- аникланган ва тайёрланган объектларнинг ресурсларини баҳолаш ва кидирилган конларнинг нефть ва газ захираларини хисоблаш усулларини билиш ва амалда қўллаш;
- турли боскич ва погоналарда ишлаб чиқиладиган геологик хужжатлар мажмууни тузиш методикаларини билиш ва амалда қўллаш кўнкимларига эга бўлишлари лозим.

Кўйилган вазифалар ўқиш давомида талабаларнинг маъруза ва амалий машғулотларда фаол иштирок этиши, адабиётлар билан мустақил ишлаши ҳамда ўқитувчи кузатуvida мустақил таълим олиши билан амалга оширилади.

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

#### **1-Модул. Геологик-кидирув ишларининг методик асослари**

##### **1-мавзу. Кириш. Фаннинг мақсади ва вазифалари, аҳамияти, асосий тушунчалари**

Кириш. Фаннинг мақсади ва асосий вазифалари, бошка фанлар билан узвий боғликлиги, ишлаб чиқаришдаги ўрни ва амалий аҳамияти. Нефть ва газга геологик-кидирув ишларининг ривожланиш тарихи ва истиқболлари. Жаҳоннинг турли ривожланган мамлакатлари ва Республикаизда геологик-кидирув ишларининг замонавий ҳолати, ривожлантиришнинг асосий тенденциялари, иктисадий томонлари, муаммолари. Геологик-кидириш жараёни кидирилган нефть ва газ захираларини тайёрлаш, нефть ва газ саноатининг хомашё базасини мустаҳкамлаш усули.

**2-мавзу. Ер қобигида нефть ва газ конларининг тарқалиш хусусиятлари. Геологик-қидирув ишларининг методик асослари**  
Ер қобигида нефть ва газ конлари тарқалишининг асосий хусусиятлари. Нефтгазли комплекслар, табиий сақлагачилар, нефть ва газ конлари ва уюmlари. Нефтгаз геологик районлаштириш.

Геологик-қидирув ишларининг даврийлиги. Геологик-қидирув ишларининг даврлари ва босқичлари, уларда бажариладиган ишларнинг мазмуни ва моҳияти. Геологик-қидирув ишларининг асосий тамойиллари.

Геологик-қидирув ишларининг усуллари: геологик, геофизик, геокимёвий, гидрокимёвий, геотермик, математик ва бошқа тадқиқотлар.

Нефть ва газ конларини излаш, қидириш ва ишлатиш жараёнларида бурғиланадиган қудуклар таснифи: таянч, параметрик, тузилма, излов, қидирув, ишлатиш (эксплуатацион) ва маҳсус қудуклар.

### **3-мавзу. Геологик-қидирув жараённан тузиладиган геологик график материаллар мажмуи, уларнинг мақсадлари ва тузиш методикалари**

Излаш-қидириш жараённан вактли геофизик кесмалар, геологик ҳариталар, геологик кесимлар, геологик-геофизик кесимлар, литологик-стратиграфик ҳариталар, структуралар ҳаритаси, палеогеоморфологик ҳариталар, палеогидрогеологик ҳариталар, палеотектоник ҳарита, маҳсулдор қатламни калинлик ҳаритаси ва бошқа график материалларнинг мазмуни ва моҳияти, уларни тузиш усуллари ва методикаси.

### **2-Модул. Геологик-қидирув ишларининг давр ва босқичлари**

#### **4-мавзу. Геологик-қидирув ишларининг регионал даври**

Нефть ва газга геологик-қидирув ишларининг регионал даврини мақсади ва вазифалари. Регионал даврнинг нефтгазлликни башоратлаш ва нефтгазли зоналарни баҳолаш босқичлари, уларда бажариладиган ишлар ва тадқиқотларнинг турлари ва методикаси.

Нефтгазлилик истиқболларини баҳолаш усуллари. Чүкинди ҳавзаларнинг нефтгазга истиқболлигини аникловчи омиллар: тектоник ва палеотектоник, литологик-фациал, геокимёвий, геотермик, гидрогеологик омиллар.

Таянч ва параметрик қудукларни бурғилаш.

#### **5-мавзу. Геологик-қидирув ишларининг излаш-баҳолаш даври**

Нефть ва газга геологик-қидирув ишларининг излаш-баҳолаш даврини мақсади ва вазифалари. Излаш-баҳолаш даврининг босқичлари, уларда бажариладиган ишлар ва тадқиқотларнинг турлари ҳамда методикаси. Излаш-

баҳолаш қудукларини бурғилаш. Излов қудукларини жойлаштириш системалари. Ҳар хил турдаги тутқичларда излаш ва баҳолаш қудукларини жойлаштиришнинг тавсия этиладиган системалари.

#### **6-мавзу. Қудукларни бурғилаш жараённан төғ жинсларидан намуналар олиш**

Қудуклардан намуналар олишнинг мақсади ва вазифалари. Керн намуналари олиш, намуна олувчи асбоб-ускуналар. Қудук деворидан намуналар олиш. Намуналарни тайёрлаш, таърифлаш, саклаш, лаборатория тадқиқотларига жұнатыш, тадқиқ килиш усуллари. Шлам намунари олиш.

#### **7-мавзу. Маҳсулдор қатламларни очиш, қудукларда тадқиқотлар үтказиш**

Маҳсулдор қатламларни бирламчы очиш усуллари, унга таъсир күрсатувчи асосий омиллар. Маҳсулдор қатламларни иккиласы очиш. Қудукларни перфорация килиш. Перфораторларнинг турлари ва самарадорлиги.

Қудукларда тадқиқотлар үтказышнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқот килиш усуллари. Тадқиқот натижаларини таҳлил килиш усуллари.

#### **8-мавзу. Геологик-қидирув ишларининг қидириш-ишлатиш даври**

Нефть ва газга геологик-қидирув ишларининг қидириш-ишлатиш даврини мақсади ва вазифалари. Қидириш-ишлатиш даврининг босқичлари, уларда бажариладиган ишлар ва тадқиқотларнинг турлари ҳамда методикаси.

Нефть ва газ конларини қидириш системалари. Конда (уюмда) қидирув қудукларини жойлаштириш системалари. Турли шакл ва ўлчамларга эга бўлган тутқичларни қидириш усуллари.

Газ ва газконденсат уюмларини қидиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Кўп уюмли (қатламли) конларни қидириш. Қидирув қудукларни бурғилаш. Қидирув қудукларини синаш ва комплекс тадқиқотлар үтказиш.

#### **9-мавзу. Излов-қидирув ишларининг геологик-иктисодий самарадорлигини аниклаш**

Нефть ва газ конларини саноатдаги қийматини аникловчи омиллар. Геологик-қидирув ишларини баҳолаш принциплари. Кондициялар ҳакида тушунча. Излов-қидирув ишларини геологик-иктисодий самарадорлигини аниклаш.

#### **IV. Амалий машғулотлар бүйича кўрсатма ва тафсиялар**

Амалий машғулотларда талабалар геологик-кидирув ишлари жараённида тузиладиган график материалларни (вактли геофизик кесмалар, геологик хариталар, геологик кесимлар, геологик-геофизик кесимлар, литологик-стратиграфик хариталар, структуралар харитаси, палеогеоморфологик хариталар, палеогидрогеологик хариталар, палеотектоник харита, маҳсулдор катламни қалинлик харитаси ва бошқалар) тузиш методикаси, геологик-кидирув ишларининг давр ва боскичлари, нефть ва газ қудукларининг тасниfinи, турли хил қўтирилмаларда излов ва кидирув қудукларини жойлаштириш системалари ва бошқаларни ўрганадилар.

Амалий машғулотлар учун куйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. График геологик хужжатларнинг вазифалари ва асосий турлари:
  - геологик ва тузилма-геологик хариталар;
  - қалинликлар харитаси;
  - катламларнинг ҳақиқий қалинлигини ҳисоблаш;
  - тузилма-геологик хариталар ва қудуклардан олинган маълумотлар бўйича геологик киркимлар тузиш;
  - учбурчаклар ва геологик киркимлар усулида тузилма харитаси тузиш;
2. Хариталашнинг дистанцион методлари.
3. Локал қўтирилмаларни геологик профиллар ёрдамида кўринишларини ўрганиш.
4. Геологик хариталарда катламларнинг ётиш элеметларини аниклаш.
5. Геологик-техник наряд (ГТН).
6. Қудук конструкцияси.
7. Нефть ва газ уюмининг ҳажмини характерловчи асосий параметрларни аниклаш.
8. Нефть ва газ уюмларининг ишлатишни лойиҳалаш учун зарур бўлган параметрларини аниклаш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан услубий кўрсатма ва тавсиялар, масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий масала ва мисоллар ечиш услуги ва мустакил ечиш учун масалалар келтирилади.

## V. Мустакил таълим ва мустакил ишлар

Мустакил таълимнинг асосий максади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назоратида муайян ўкув ишларини мустакил равишда бажариш учун талабада билим ва кўнигмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Мустакил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Нефть ва газга геологик-кидирув ишларининг ривожланиш тарихи. Жаҳон ва Ўзбекистоннинг нефть ва газ тармокларини холати.
2. Геологик-кидирув ишлари жараёнида бурғиланадиган кудуклар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Майдоннинг тектоник тузилиши ва тектоник тараккиётини ўрганишда кўлланиладиган усувлар.
4. Кудукларни бурғилашдан олинган материалларни геологик жихатдан ишлаш методлари.
5. Кудукларни бурғилаш чоғида бажариладиган геологик тадқикотлар.
6. Нефть ва газ конларини ҳамда атроф мухитни муҳофаза килиш, корхоналарда бажариладиган геологик хизмат.
7. Ер каърининг нефтгазлилигини башоратлаш мезонлари.
8. Турли тоифалардаги кудуклардан керн олинадиган интерваллар ва керн ҳажми.
9. Углеводород уюмларини ўрганишда системали–структуравий ёндашиш.
10. Нефтгазгеологик раёнлаштириш.

Талаба мустакил ишини ташкил этишда куйидаги шакллардан фойдаланади:

- айрим назарий мавзуларни ўкув адабиётлари ёрдамида мустакил ўзлаштириш;
- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда кўллаш;
- макет, модел ва намуналар яратиш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза тайёрлаш ва х.к.

*Фан бўйича курс иши.* Курс ишининг мақсади талабаларни мустакил ишлаш кобилиятини ривожлантириш, олган назарий билимларини кўллашда амалий кўнигмалар ҳосил килиш, бевосита ишлаб чиқаришдаги аник шароитларга мос техник ёчимлар кабул килиш ва замонавий техника ва технолгияларни кўллаш кўнигмаларини ҳосил килишдан иборат.

Курс ишининг мавзулари бевосита геологик-кидирув жараёнларига боғлик ҳолда, аник бир шароит учун белгиланади. Курс ишининг мавзулари умумий

талаабалар сонидан 20-30% ортик ва олдиндан тайёрланади. Ҳар бир талаабага шахсий топширик берилади.

Курс иши учун тахминий мавзулари:

1. Ер қобигида нефть ва газни тарқалишининг асосий хусусиятлари.
2. Нефть ва газга геологик-кидирув ишларининг методик асослари.
3. Геологик-кидирув ишларининг даврийлиги.
4. Нефть ва газ ресурслари. Уларни баҳолаш усувлари.
5. Геологик-кидирув ишларининг регионал даври.
6. Геологик-кидирув ишларининг излаш-баҳолаш даври.
7. Геологик-кидирув ишларининг кидириш-тажриба ишлатиш даври.
8. Нефть ва газ тўпламларини излашнинг геофизик усувлари.
9. Излов кудукларини бурғилаш ва уларда тадқиқотлар ўтказиш.
10. Излов кудукларини бурғилаш жараёнида керн ва шлам намуналари олиш. Уларни комплекс тадқиқот қилиш.
11. Махсулдор горизонтларни очиш ва синаш.
12. Тутқичларни аниклаш ва излов бурғилашга тайёрлаш.
13. Нефть ва газ конларини кидириш системалари.
14. Комплекс излов-кидирув ишларида геокимёвий усувларнинг ўрни.
15. Газ ва газ конденсати конларидаги газ ва конденсат захираларини хисоблаш методлари.

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари**

### **Асосий адабиётлар**

1. Абидов А.А. Генезис нефти и газа и методика поисков их местоскоплений. – Ташкент. Фан, 2010 г.
2. Бурцев М.И. Поиски и разведка месторождений нефти и газа: Учеб. пособие. Москва. Изд-во РУДН, 2006 г.
3. Бакиров АА, Бакиров ЭА, Габриэлянц ГА, Керимов В.Ю., Мстиславская Л.П. Теоретические основы поисков и разведки нефти и газа. Под ред. Э.А. Бакирова и В.Ю. Керимова: Учебник для вузов. В 2-х кн. - 4-е изд., перераб. и доп. - Кн. 2: Методика поисков и разведки скоплений нефти и газа. - М.: ООО «Издательский дом Недра», 2012 г. -
4. Yarboboyev T.N., Hayitov O.G'. Neft va gaz uyumlarini izlash va qidirish metodlari. Darslik. Qarshi-2018 y.
5. Халиматов Х.И., Бурлутская И.П. и др. Проектирование поискового и разведочного бурения на нефть и газ. Учебник. Ташкент. 2011 г.

6. Халисматов И., Раубходжаева Т.С., Алламуратов А.Б. Нефть ва газ конларини излаш ва кидириш усуллари фанидан амалий машғулотлар учун услугубий қўлланма. Тошкент. 2000 й.

7. Каламназаров Л.В., Элланский М.М., Вероятностный подход к прогнозу нефтегазоносности и проектирование поисково-разведочных работ на нефть и газ. М. РГУ нефти и газа. 2000 г.

8. Richard C. Selley. Department of Geology Imperial College. Elements of petroleum geology. Sekond Edition. London, United Kingdom-1998 y.

### Кўшимча адабиётлар

9. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016 й.

10. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганинг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъзуза 2016 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016 й.

11. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 й.

12. Ўзбекистон Респубблласини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. - Т.:2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли Фармони.

13. Абидов А.А. Современные основы прогноза и поисков нефти и газа. – Ташкент. Фан, 2012 г.

14. Абидов А.А., Абдуазимов У. Метод прогноза скоплений нефти под газоконденсатными залежами в период поискового бурения. Ўзбекистон нефть ва газ журнали. №1. 2005 й.

15. Абрамчева Т.В. Экономическая эффективность нефтегазоразведочных работ. Уч. пособие. Ухта. 2003 г.

16. Дьяконов А.И., Пармузина Л.В., Смирнов А.Н. Практикум по теоретическим основам и методам поисков и разведки нефтяных и газовых месторождений. Учеб. пособие. Изд. 2-е, перераб. и доп. Ухта. УГТУ, 2009 г.

17. Каналин В.Г., Усенко Т.П. Геологический контроль проходки скважин. Учеб. пособие. Тюмень. ТюмГНГУ, 2006 г.

18. Нефть ва газ қудукларидан керн олиш, уларни хужжатлаштириш, ўрганиш, сақлаш, кискартириш ва тугатиш бўйича йўрикнома. “Ўзбекнефтгаз” МХК. Тошкент. 2012 й.

19. Халисматов И., Раубходжаева Т.С., Алламуратов А.Б. “Нефть ва газ конларини излаш ва кидириш усууллари” фанидан амалий машғулотлар учун услубий кўлланма. Тошкент. 2000 й.

20. Yarboboyev T.N., Usmonov Q.M. “Neft va gaz konlarini izlash va razvedka metodlari” fanidan amaliy mashg‘ulotlar uchun uslubiy ko‘rsatma. Qarshi. 2018 y.

### **Интернет сайтлари**

21. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.

22. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

23. [www.google.ru](http://www.google.ru)

24. [www.oilandgas.com](http://www.oilandgas.com)

25. [www.geocniga.org](http://www.geocniga.org)

26. [www.uzgeolcom.uz](http://www.uzgeolcom.uz)